DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-36 Pages: 334-343

Oriental Journal of Philology



ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about



PROBLEMS OF RECREATING THE IZAFET COMBINATION IN UZBEK LANGUAGE (based on Arabic)

Jakhongir M. Abdupattakhov
Senior Lecturer
Department of Arabic Studies
Tashkent State University of Oriental Studies
Email: jaxongir_abdupattaxov@tsuos.uz
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: agreed adjective, forms of izafet, al-izafa al-shakliya, al-izafa al-asliya, lexical structure, lexical combination.

Received: 06.03.25
Accepted: 08.03.25
Published: 10.03.25

Abstract: The importance of translation in recent decades, with the development of artificial intelligence and its consistent introduction into the social, cultural, political and economic aspects of modern society, has exceeded all expectations and its universal role in maintaining the stability of international relations has increased significantly. Due to changing needs, a motley need for various types of translation is emerging. The leading role of linguists, translators and translation programs especially intensified during the spread of the Covid-19 virus and in the post pandemic period, its place rose to an incomparable first place. The task and role of social networks, Internet sites in the social life of societies have gone beyond such material barriers and boundaries that it is impossible to imagine all this without translators and linguists in the shadow of its non-repeatable and diverse culture and economic development, as well as in the constant flow of information news, as well as exchange programs in cultural and scientific achievements.

As mentioned above, the presentation of information, industry, artistic and socio-political news, Internet resources is unthinkable without translation activities.

This article will discuss some aspects about new approaches to the study and

teaching of the lexical compound and the rules of the Arabic language.

In particular, the combined forms of izafet are considered, which are among the important rules of the Arabic language, as well as difficulties in reproducing the “izafet combination – “al-izafa al-shakliya”” in the Uzbek language. And as a measure to get rid of certain difficulties, it is proposed to study the so-called “al-izaf al-shakliya” in another topic, namely in the field of “definition”.

ҚАРАТҚИЧЛИ АНИҚЛОВЧИ/АНИҚЛАНМИШ БИРИКМАСИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДА ТИКЛАНИШ МУАММОЛАРИ
(араб тили мисолида)

Жахонгир М. Абдупаттахов
Катта ўқитувчи
Арабшунослик олий мактаби
Тошкент давлат шарқшунослик университети
Email: jaxongir_abdupattaxov@tsuos.uz
Ўзбекистон, Тошкент,

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: мослашган аниқловчи, қаратқичли аниқловчи бирикмаси, маънавий ва лафзий изофа, тил қурилмаси, лексик бирикма.

Аннотация: Сўнгги ўн йилликларда сунъий интеллект-идрок технологияларининг замонавий жамиятнинг ижтимоий, маданий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётига жадал кириб бориши кетидан таржиманинг аҳамияти ҳар қачонгидан кўра ошиб бормоқда, унинг халқаро муносабатлар барқарорлигини қўллаб қувватлашдаги оламшумул ўрни сезиларли даражада аҳаммияти янада ошди, таржиманинг турларига бўлган эҳтиёж шаклланиб бормоқда. Коммуникация-мулоқотларни ўрнатишдаги таржимонларнинг ва таржима дастурларининг етакчи роли, айниқса Covid-19 вируси тарқалган пайт ва пост-пандемик даврда унинг ўрни беқиёс даражада биринчи ўринга кўтарилди. Жамиятларнинг ижтимоий ҳаётидаги интернет тизимида тақдим қилинаётган маҳсулотларнинг вазифаси ва ўрни шу қадар моддий тўсиқ ва чегаралардан ошиб ўтдики, замонавий дунё ўзининг ранг-баранг маданияти ва иқтисодий ривожи соясида ҳамда доимий ахборот алмашинуви ва, умуман, янгиликлар оқимида, шунингдек маданий-маърифий алмашинувлар заминида таржимон ва

тилмочларсиз бу жараёнларни тасаввур этиб бўлмайди.

Ахборот, саноъат, санъат ва ижтимоий-сиёсий янгиликлар, интернет ресурслари тақдимоти таржима фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маълумки, ахборот алмашинуви ва ижтимоий-иқтисодий мулоқотлар таржимасиз содир бўлмайди, унинг ортиб бораётган роли оламшумул интернет тармоғида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва кўп маданиятли алоқаларда янада кучли сезилмоқди ва шу билан бирга таржима турларига эҳтиёж ортиб бормоқда.

Ушбу мақолада араб тилини лексик бойлиги ва қоидаларини ўрганиш ва ўргатишнинг янгича ёндашувларга доир айрим мулоҳазалар кўриб чиқилади.

Жумладан, араб тилининг муҳим қоидалари сирасига кирувчи қаратқичли аниқловчи/аниқланмиш-изофа бирикмаси шакллари, “шаклий изофа”ни тушунтуришда мураккабликдан қочиш тамали таклиф қилинади.

Мақолада изофанинг аслий ва шаклий бирикмаларини ўзбек тилига ўгиришнинг ўзига хосликлари ва айрим мураккабликларини четлаб ўтиш чораси сифатида “шаклий изофа” деб аталадиган бирикма “аслий изофа” бўлимидан кейин, мослашган аниқланмиш мавзуси доирасида кўриб чиқилиши таклифи ўртага ташланади ва бунда иккала тилнинг гап конструкциялари ўртасидаги катта фарқ инобатга олингани асос қилиб кўрсатилади.

ПРОБЛЕМЫ ВОССОЗДАНИЯ ИЗАФЕТНОГО СОЧЕТАНИЯ НА УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ
(на примере арабского языка)

Жахонгир М. Абдупаттахов
Старший преподаватель
Высшая школа арабистики
Ташкентский государственный университет востоковедения
Email: jaxongir_abdupattaxov@tsuos.uz
Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: согласованное определение, формы изафет, ал-изафа ал-шаклия, ал-изафа ал-аслия, лексическое строение, лексическое сочетание.

Аннотация: Значение перевода в последние десятилетия с развитием искусственного интеллекта и его последовательное внедрение в социальную, культурную, политическую и

экономическую аспекты жизни современного общества превзошла все ожидания и значительно возросла её универсальная роль в поддержании стабильности международных отношений, в связи изменяющимися потребностями формируется пёстрая потребность в различных видах перевода. Ведущая роль лингвистов, переводчиков и переводческих программ особенно усилилась во время распространения вируса Covid-19 и в пост-пандемический период, ее место поднялось на ни с чем не сравнимое первое место. Задача и роль социальных сетей, интернет сайтов в социальной жизни обществ вышли за рамки таких материальных барьеров и границ, что невозможно представить всё это без переводчиков и лингвистов в тени его неповторяемой и разнообразной культуры и экономического развития, а также в постоянном потоке информационных новостей, а также на программах по обмену в культурные и научных достижениях.

Как было выше сказано, представление информационных, отраслевых, художественных и общественно-политических новостей, Интернет-ресурсов немыслимо без переводческой деятельности.

В этой статье будут рассмотрены некоторые аспекты о новых подходах к изучению и преподаванию лексического составного и правил арабского языка.

В частности, рассматриваются комбинированные формы изафета, которые входят в число важных правил арабского языка, а также сложности в воспроизведения “изафетного сочетания – “ал-изафа ал-шаклия” на узбекском языке. И в качестве меры по избавлению от определенных сложностей, предлагается изучение так называемого “ал-изафа ал-шаклия” в другой теме, а именно в области “определения”.

Кириш: Араб тилиниг тадрижий шаклланиш ҳодисаси тахминан эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг бошида унинг ўрта сомий тиллардан секин-аста ажралиб чиқишидан кузатилади. Бу пайтга келиб қадимий араб тили ўрта сомий тилларнинг шимоли-ғарбий ва шимоли-шарқий шуъбаларидан мустақил тил сифатида ўзига хос ҳижо

ва унли товушларига эга чиқа бошлаши билан бир қаторда, унинг морфемага асосланган лексик бирликлари шаклланишда давом этди. Бу ҳол эрамизнинг V-VI асрлагича давом этгани эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг охирига оид қоятошларда ўйилган рамзларда акс этган наботий, сафий ва хасмий алифболар таркибидаги товушлар орқали кузатилиши борасида Ўвропа тилшунослари орасида турли қарашлар бор (Al-Jallad, 2020, p. 8). Қуръони каримнинг нузули ва унга эьтиқод қилувчиларнинг сафи арабларга қўшни ажам халқларнинг вакиллари ҳисобига кенгайиши ва араб тилини ўрганиш зарурати кун тартибига кўтарилиши кетидан араб тили лисоний бирликларини ўрганиш ва гап структураси ичида синтаксис тартибини белгилаш асослари араб грамматик анъаналарига асос солиб берди. Нақлга кўра, милодий VII асрнинг ўрталарида “Илм шаҳрига элтувчи дарвоза” наъти ила шарафланган Али ибн Абу Толибнинг топшириғига биноан Абул-Асвад Ад-Дуалий тарафидан араб тили грамматикаси фанига тамал тоши қўйиб берилганидан бери араб тили грамматикаси соҳасида ўнлаб порлоқ тилшунослар, жумладан шарқда – Мовароуннаҳрда Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий (1074-1143) ғарбда – Андалусда Жамолиддин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Молик (1203-1274) каби ўнлаб забардаст алломлар етишиб чиқди. Асрлар давомида тилшуносларнинг асарларида грамматиканинг қоидалари талқини такомиллашиб борди (Mirziyatov, 2017, pp. 33-35; Abdupattaxov, 2021, pp. 1-2) Бу мақолада араб тили грамматикасида муҳим ўрин тутган қаратқичли аниқловчи бирикмаси таҳлилга тортилган.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Ўрганилаётган мавзу бўйича маълумотларни юртимиз ва хорижда нашр қилинган бир қатор араб тилига оид манбалар ва китобларда учратиш мумкин. Мазкур ишда йирик араб, ўзбек ва рус олимларининг, хусусан, “An-Nahv al-Vadih”, “Al-Durus al-Nahviyya”, “Араб тили грамматикаси”, “Arab tili”, “Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещени”и ва бошқа манбалардан фойдаланган ҳолда изофа бирикмаси ҳақидаги маълумотлар таҳлилга тортилди (Al-Jarim,1983, pp. 126-127; Ibn Hajib, 2002, pp. 108-109; Ibrahimov, 2024, p. 47; Abdupattaxov, 2021, p. 152; Kovalyov, 1998, p. 144). Тадқиқот материалларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, улар қиёсий таҳлил асосида ўрганилди ва дедуктив таҳлилига (Bushuy, 2007, p. 12) асосланган ечимлар тавсия этилди.

Араб тилини лексик бойлиги ва қоидаларини ўрганиш баробарида ўзга тилда сўзловчиларга тил ўргатиш жараёнида педагогда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.05.2021 йили қабул қилинган ПҚ-5117-сонли Қарорида (https://lex.uz/docs/5426736) белгиланган даражада хорижий тилни эгаллаган, таржима маҳорати ва мулоқот кўникмалари шаклланган бўлиши лозим.

Она тилида ифодаланган жумланинг таркибий қурилмасини ўзга тилга унинг лисоний хосликлари, тил қонуниятларини ҳисобга олмасдан татбиқ этиш имконсиз иш экани билан бир қаторда чет тилини ўрганаётган талаба тарафидан тилни ўзлаштиришда кутилган натижага эриша олмаслиги тилшунос мутахассислар ва профессор-ўқитувчилар учун кундек равшан масаладир.

Зотан, ўрганилаётган тилнинг таснифланган тиллар оиласига мансублигидан келиб чиққан ҳолда чет тилнинг гап қурилмаси, унинг ички қонуниятлари она тилнинг гап таркиби қурилмаси билан ўхшашлик ёки ўзгачалик жиҳатларини солиштирма, қиёсий ёки чоғиштирма таққосланиши асосида ўрганилади.

Ўрол-Олтой тиллар гуруҳига кирувчи ўзбек тилида эга-кесим қурилмасига хос “Путин келди” содда гап таркиби Африқа-Осиё тиллар оиласига кирувчи араб тилида икки хил вариантда: феъл кесим-эгадан ташкил топган феълий жумла, яъни “ وَصَلَ بُوتِينْ ” шаклида, ёки эга-феъл кесимдан ташкил топган исмий жумла, яъни “ وَصَلَ بُوتِينْ ” кўринишида тикланиши мумкин.

Туркий тиллар оиласи таркибидаги ўзбек тилида мослашган аниқловчи вазифасида от туркумига оид ва семантик маъносига кўра сифатлаш хусусиятини ифодаловчи лексемалар аниқланмиш вазифасидаги сўз билан бирикиб келганида гапдаги тартибига кўра ундан аввал, масалан, “захарловчи (brain rot) ўйинлар” шаклини қабул қилса, ҳомий-сомий тиллар оиласига мансуб араб тилида نعت/صفة дея таъриф берилган мослашган аниқловчи вазифасида келган от туркумидаги бундай лексемалар бевосита аниқланмишдан кейин “ўйинлар захарловчи”, яъни “ أَلْعَابٌ عَفِيْنَةٌ ” кўринишида келади. Ўзбек тилида қаратқичли аниқловчи(от)га эга аниқланмиш(от)нинг сифат аниқловчиси гап конструкциясида бевосита қаратқичли аниқловчидан кейин, аммо аниқланмишдан олдин келиши кузатилса, масалан, “интеренетнинг захарловчи ўйинлари”, араб тилида гап конструкция ўзгача тартибда, яъни аввал аниқланмиш(от), кетидан мослашмаган аниқловчи (от), унинг кетидан мослашган аниқловчи (сифат, сифатдош, сон) ўрин олади: “ўйинлар интернет захарловчи”, яъни " أَلْعَابُ الْإِنْتِرْنِتْ الْعَفِيْنَةُ " шаклида қайта тикланиши мумкин. Сиёсий матнларда кўп учрайдиган бошқа бир бирикмани мисол тариқасида кўриб чиқсак. Ўзбек тилидаги “муҳим баёнотлар” шаклидаги сифат (мослашган) аниқловчи/аниқланмиш бирикмаси араб тилида аввал аниқланмиш, кетидан мослашган аниқловчи бирикмаси шаклида қайта тикланади, яъни “ بَيَاناتٌ مُهِمَّةٌ ”. Араб тилида бу бирикмага изофа бирикса, масалан, ўзбек тилидаги “Жўлонийнинг муҳим баёнотлари” кўринишидаги конструкцияни араб тилида “баёнотлар Жўлоний муҳим” тартибида қайта тикланишини кузатишимиз мумкин, яъни “ بَيَانَاتُ الْجُولَانِي الْمُهِمَّةُ ”. Юқоридаги мисоллар

орқали хулоса қилиш мумкинки, турли тиллар оиласига дохил бу икки тилнинг лисоний қурилма(лингвистик конструкция)си кўп ўринларда бир-биридан яққол фарқ қилади.

Ўзбек тилида қаратқичли аниқловчи бирикма ҳодисаси араб тилида ўзига хос лингвистик қоидаларига мувофиқ гапда тўғри ўринда қўлланиши алоҳида аҳамият касб этади. Она тилимизда “Трампнинг қутлови” бирикмасида аввал қаратқичли аниқловчи, кетидан аниқланмиш келса, араб тилида ўзгача тартибда, яъни биринчи ўринда “қутлов” лексемаси, кетидан “Трамп” лесемаси ўрин олади, яъни: “ تَرْحِيْبُ ترَامْبْ ”.

Шуни айтиш ўринлики, мақолада кўрилаётган бош масала – она тилдаги лексик бирикма қурилмасини таржима тилида қайта тиклаш учун чет тилини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб олган тилшунос талаба ва тил иштиёқмандлари, қолаверса, таржимонлардан тилларaро лексик бирликлар орасидаги фарқларни англаб бориш, шунингдек, тилга оид топшириқларни мунтазам бажариб бориш, бир нечта тилда, жумладан, араб тилида юритиб бориладиган “ الجزيرة ”, “ BBC arabic ”, “ الأهرام ” каби ўнлаб расмий масс-медиалар билан яқиндан танишиб бориш (Peculiarities of journalism…, 2020, pp. 309-310), берилган матнларни ўқиб таржима қилиш, эшиттиришларни тинглаб тушиниш туркумидаги машғулотларни канда қилмаслик талаб қилинади.

Тил ўқитувчисига бу каби муҳим, шу билан бир қаторда, ҳамин қадар мураккаб ечимли конструкциялар ҳақида ўқувчида тўғри, ишончли тасаввур ва билим кўникмасини шакллантиришда изланувчи талабага яқиндан ёрдамчи бўлиш вазифадорлик масъулияти юкланиши билан бир қаторда, талабада она тилининг лисоний мазмун-моҳияти билан бир қаторда ўрганилаётган хорижий тилнинг лисоний хусусиятлари, гап конструкциясига оид қонуниятлари, иккала тил орасида мавжуд ўхшаш ва тафовут жиҳатлар, шунингдек, иккала тилнинг синтаксис қоидалари тўғрисида ишончли тасаввурни шаклланишини осон ва қулай усул ва ёндашувларни кашф қилиб борилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Натижалар. Ўқувчи зеҳнида изофа бирикмаси от + от бирикувидан юзага келиши ҳақида тушунча нисбатан осонроқ ўрин олади ва ундан “талабанинг қалами” бирикмаси мисолида – “ قَلَمُ الطَّالِبِ ” шаклини ёдда сақлаш талаб қилинади. Музофнинг оқил-ғайри оқил, музаккар-муаннас, бирлик, иккилик ва тўғри ёки синиқ кўплик шаклида бирикиши инобатга олинса, бу мавзу анча мураккаб лексик ҳодиса экани, музоф илайҳи ҳам ўз навбатида жинс, сон, эъроб ва ҳолат ўзгаришини ҳисобга олганда бу мавзу бир-икки академик соат машғулотларида эмас, балки кўпроқ академик соат ажратилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Араб тили фани АШТ ёки ХШТ сифатида тилшуносликка ихтисослашмаган МОХТ, ХМИ, ХИМ, Сиёсат, фалсафа каби қатор йўналишларда ўқитилишини инобатга олганда бу масала, назаримизда, янада кўпроқ аҳамият касб этади (Composition of diplomatic…, 2024, pp. 200-208).

Изофанинг иккала бўлаги аниқловчига эга бўлганда талабада яна бир жумбоқни ечишига тўғри келади. Ўзбек тилида ифодаланган “Ён қўшнининг янги машинаси” лексик таркибда изофанинг ҳар иккала қисмига алоқадор мослашган аниқловчи бевосита аниқланмиши кетидан келиши ўзбек тилида одатий ҳол бўлиб, қаратқичли аниқланмиш (изофа) бирикмаси ўзбек ўқувчиси учун жўн ва одатийлиги билан тасаввурига сингиб кетгани баробарида худди шу бирикмани араб тилида ўзгача тартибда қайта тикланиши, яъни “машина қўшни ён янги” – “ سيارّةُ الجَارِ الْقَرِيْبِ الْجَدِيْدَةُ ” шаклида қайта тикланиши ўзбек ўқувчиси учун ўзлаштириш ҳамин мураккаб ва, назаримизда, бу каби бирикмаларни тузиш машғулотлари учун кўпроқ академик соат ажратиш долзарб лисоний масала саналади. Мақсадли машқлардан кейин бу каби арабий бирикмада биринчи ўринда изофа бирикмаси, кетидан изофа бирикмасини ташкил этувчи сўзларнинг, яъни музоф, сўнгра музоф-илайҳнинг мослашган аниқловчилари кетма-кет жинс, сон, эъроб ва ҳолат эътибори билан таркибдан ўрин олиши борасидаги кўникма ўқувчи зеҳнида пухта ва тиниқ шаклланиб боради.

Бу лисоний бирикмани долзарблиги шундаки, гап қурилиши ўхшашлиги нуқтаи назардан тили туркий тиллар гуруҳига кирувчи ўзбек тилида фикр юритувчи ўқувчи олдида фонетик, семантик, лексик ва синтактик таркиб жиҳатидан бутунлай ўзгача лисоний қурилмасини ўзлаштириш вазифасини уддалаш масаласи ўта муҳимдир.

Хулоса. Шундай қилиб, ўрганилган масала бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Юқорида келтирилган мулоҳазаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, ўқувчи зеҳнида,аввало, сифат категорияси ҳақидаги тушунча шакллантирилиши, кетидан маънавий (аслий, ҳақиқий) изофа тушунчаси мустаҳкамланиши юқорида баён этилган мақсадга хизмат қилади. Мослашган аниқловчини қаратқичли аниқловчидан фарқловчи синтаксис белгилари талаба зеҳнида аниқ ва пухта ўзлаштирилиши баробарида аниқловчи вазифасида келувчи сифат ҳақида берилган тушунчага қўшимча равишда сифат ҳам ўз навбатида изофа таркибида сифат + от шаклида бирикувга кириши ҳақида тушунча батафсил ёритилиши айни муддаодир. Талаба зеҳнида мослашган аниқловчининг аниқланмишга тўртта кўрсатгичда тобеълиги ҳақида шаклланган тушунчани бу ўринда ортиқча машаққатсиз қўллашга имкон беради. Демак, “Хушрўй бир кишини кўрдим” синтаксис қурилмаси араб тилида “кўрдим бир кишини хушрўй” кўринишида қайта тикланиши, яъни “ رَأَيْتُ رَجُلاً حَسَنَ الوَجْهِ”, аниқ ҳолатда эса “ رأيتُ الرجلَ الحسنَ الوَجْهِ” шаклида бўлиши талабгор ўрганувчи учун энди мураккаб масала бўлиб қолмайди.

2. Талаба зеҳнида шаклланган малака негизида “ كِتَابُ الطالِبِ ” бирикмаси – изофа бирикмаси, “ كِتَابٌ مُفِيْدٌ ” бирикмаси эса мослашган аниқловчи бирикмаси экани мустаҳкам тушунча айланади.

3. XIX асрда Ўвропа ва совет шарқшунослик мактабида шаклланган ёндашув: изофани икки турга – ҳақиқий (маънавий) ва шаклий (лафзий)га фарқлаб сабоқ беришдан кўра асл ва ўрганилаётган тилларнинг гап қурилиш таркиби хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда изофа бўлимида маънавий изофа мавзуси баёни билан чекланиш, лафзий изофани эса мослашган аниқловчи вазифасида келувчи сифат бўлимида баён этилиши ўзга тилда сўзлашувчиларда мавзуни ўзлаштиришда ўзига хос қулайлик, фанга бўлган қизиқишни янада ортишига хизмат қилишига ишониб қоламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Abdupattakhov, J.M. (2024) Composition of diplomatic correspondence (example Arab Republic of Egypt (2021). Diplomatik yozishmalarning tuzilishidagi xosliklar (Misr Arab Respublikasi misolida). The international scientific-practical conference on the topic “Foreign language in professional communication”. ISSN:2181-1784 4(25), Dec., 2024 UDK:801.82 200-208 p. (in Uzbek) https://doi.org/10.5281/zenogo.14413120
2. Abdupattaxov, J.M. Simultaneous translation in the Arabic-Uzbek combination: problems and solutions. Arab-o‘zbek kombinatsiyasida sinxron tarjima: muammolar va echimlar // Sharq Mash’ali scientific journal. Volume 4, 2021. ISSN 2010-9709 53-57 p. (in Uzbek)
3. Abdupattaxov, J.M. (2021) Arabic language. Part One. Arab tili.1-qism. – Toshent: TSUOS. – Number of permission 237-392 (31), May, 2021 152-156 p. (in Uzbek)
4. Abdupattaxov, J.M. (2021) Linguistic issues in comments on "Alfiya". “Alfiya”ga oid sharhlarda tilshunoslik masalalari. Scientific electronic magazine "21st century: issues of science and education". #3, 2021. ISSN: 2181-9874 SJIF 2021: 6.23 1-9 p. (in Uzbek) retrieved from www.sharqjurnali.uz
5. Abdupattaxov, J.M. Phonetic and written system of the Arabic language. (2024). Arab tilining fonetik va yozuv tizimi. – Toshkent: TSUOS. – Number of permission 25-UM (03), Fev., 2024. 81-82 p. (in Uzbek)
6. Al-Azhari, Zayniddin. (kh. 1310). Students' training in the art of parsing. Manuscript. Tamrin at-tullab fi sina’at al-i’rab. Egypt. – Al-Cairo. 156 p. (in Arabic)
7. Al-Jallad. A. (2020) Manual of the Historical Grammar of Arabic. Dalil al-nahv al-arabi al-tarikhi. 158 p. retrieved from https://web.archive.org/web/20210113063433/https://www.academia.edu/38100372/Al_Jallad_A_Manual_of_the_Historical_Grammar_of_Arabic
8. Al-Jarim, A; Amin, M. (1999). Clear Grammar. Second part. An-Nahv al-vadih. – Egypt, al-Qohira: Dar al-ma’arif. – 172 p. (in Arabic)

9. Bushuy, T., Safarov, Sh. (2007) Language construction: Analytical methods and methodology. Til qurilishi: Tahlil metodlari va metodologiyasi. – Namangan: ARM-7417. – 278 p. (in Uzbek)

10. Grande, B.M. (1998). Course of Arabic grammar in comparative-historical light. Kurs arabskoy grammatiki v sravnitel'no-istoricheskom osveshenii. – Moscow: RAN. – 592 p. (in Russian)

11. Ibn Hajib, J. (H1428/G2002). Sufficient with the comprehensive objectives of the sufficient. Kafiya ma'a-l-Vafiya bi-maqosid Al-Kafiya. – India: Maktabatu Hijaz Devband. – 216 p. (in Arabic)

12. Ibrohimov, N. et al. (2024). Arabic Grammar. Part One. Arab tili grammatikasi. 1- jild. – Tashkent: G‘afur G‘ulom. – 327 p. (in Uzbek)

13. Lexeme “Brain rot” retrieved from: https://corp.oup.com/news/brain-rot-named-oxford-word-of-the-year-2024/

14. Mirziyatov, Sh.M. (2017) Linguistics, lexicography, traditions and lexical-semantic interpretation of the Arabic-Turkish dictionary in the work "Mukaddatamat al-Adab". "Muqaddatamat-u-l-adab" asarida tilshunoslik, lug‘atshunoslik an'analari va arabiy-turkiy so‘zlikning leksik-semantik talqini. Dissertation written for obtaining the PhD degree in philological sciences. – Tashkent. 156 p. UDK: 809.27-1 M-54 (in Uzbek)

15. Saidov, A. Contribution of Ibn al-Muqaffa to the art of Islamic translation. Ibn al-Muqaffaning islom tarjima san'atiga qo‘shgan hissasi. // “Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences” Scientific journal. Volume 1, 2021. 332-336 p. (in Uzbek)

16. Saliyeva, M.K; Abdupattakhov, J.M. (2020) Peculiarities of journalism in modern Arab countries. Zamonaviy arab mamlakatlari jurnalistikasining o‘ziga xos xususiyatlari. Forum of Uzbekistan translators – 2020. Collection of scientific articles. Recommended for publication by decision of the Council of the TSUOS. volume 4(26), Nov., 2020. 309-313 p. (in Uzbek)